

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**408** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2270*

(2011 йил 7 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақидаги низомга мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 2 сентябрдаги 91-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1865, 2008 йил 13 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 42-сон, 424-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 27 август,
57-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2011 йил 27 августдаги
57-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан
маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг
даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш
ҳамда тақдим қилиш бўйича
ҚОИДАЛАР**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»-ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда) ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, барча бюджет ташкилотлари ва бошқа бюджетдан маблағ олувчилар томонидан (кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) даврий молиявий ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибини белгилайди.

I бўлим. Умумий қоидалар

1. Ташкилотлар мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ижроси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни (кейинги ўринларда молиявий ҳисоботлар деб юритилади) тузади ва топширади.

Йиллик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январь ҳолатига тузилади. Чораклик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, ойлик молиявий ҳисоботлар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг биринчи санаси ҳолатига тузилади.

2. Ташкилотлар сет, штат ва контингентлар режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклларга мувофиқ тузади ва топширади.

3. Ташкилотлар томонидан топшириладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар кириди:

Баланс (1-шакл) (мазкур Қоидаларнинг 1-иловаси);

Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл) (мазкур Қоидаларнинг 2-иловаси);

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот (мазкур Қоидаларнинг 3-иловаси);

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот (мазкур Қоидаларнинг 4-иловаси);

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот (мазкур Қоидаларнинг 5-иловаси);

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (мазкур Қоидаларнинг 6-илоvasи);

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот (мазкур Қоидаларнинг 7-илоvasи);

Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот (мазкур Қоидаларнинг 8-илоvasи);

Номолиявий активларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот (мазкур Қоидаларнинг 9-илоvasи).

4. Агарда, ташкилотлар қонунчиликка мувофиқ ҳисобот даврида махсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини амалга оширса, у ҳолда ушбу фаолиятлари бўйича белгиланган тартибда ва муддатларда молия органларига Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалари (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) билан тасдиқланган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот 2-сон шаклга мувофиқ тақдим қиладилар.

5. Ташкилотлар томонидан топшириладиган чораклик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар киради:

Баланс (1-шакл);

Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл);

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот;

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот;

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот.

6. Йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади. Тушунтириш хатида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар сметаси ижроси жараёнига таъсир қилган асосий омиллар, жумладан, бюджетдан ажратилган маблағларни иқтисод қилинишининг сабаблари (таҳлиллари) (агарда иқтисод қилинган бўлса), дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг вужудга келиш сабаблари ва вақти, йўл қўйилган муддати ўтган қарздорликни ундириш бўйича кўрилган чоралар, қонунчиликка мувофиқ ташкилотларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ва уларнинг сарфланиши тўғрисида маълумотлар, шунингдек ҳисобот даврида кирим қилинган ва сарфланган қоғоз тўғрисидаги маълумотлар, камомати аниқланган ва ўғирланган пул маблағлари ва бошқа товар-моддий қимматликлар суммаси ва ҳисоботлар билан боғлиқ бўлган бошқа тушунтиришлар келтирилади. Бундан ташқари, ҳисобот йилининг биринчи чораги бўйича молиявий ҳисоботларга тушунтириш хатида асосий воситалар ва бошқа активларини (жумладан, тугалланмаган қурилиш ва ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни) қайта баҳолаш бўйича ахборотлар очиб берилади.

Тушунтириш хати ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс), ташкилот бош ҳисобчиси ёки унинг

ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс) ҳамда молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ ҳолда режа-иқтисод бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ва ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланади.

7. Ташкилотлар томонидан топшириладиган харажатлар сметаси ижроси ҳақида ойлик ҳисобот (1-ОХ шакл) мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ тузилади.

8. Бюджет ташкилоти бўлмаган, аммо бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (тегишли ҳудудий молия органларига) ҳар ойда харажатлар сметаси ижроси ҳақида ойлик ҳисобот (1-ОХ шакл)ни ҳамда чорак (йил) учун харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл)ни мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ ҳолда тақдим қиладилар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маблағ олувчи ташкилотлар томонидан 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда тегишли ҳудудий молия органларига харажатлар сметаси ижроси ҳақида ойлик ҳисобот (1-ОХ шакл)ни тақдим қилинмайди.

Бунда, харажатлар сметаси ижроси ҳақида ойлик ҳисобот (1-ОХ шакл)ни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилувчи Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маблағ олувчи ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

10. Молиявий ҳисобот шаклларидаги барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Ташкилотларда тегишли активлар, пасивлар ва операцияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устидан чизиб қўйилади.

11. Молиявий ҳисоботлар шакллари (жамланма ҳисоботлардан ташқари) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 502-модда) билан тасдиқланган 308-сон шаклдаги «Бош-журнал китоби» (кейинги ўринларда «Бош-журнал китоби» (308-шакл) деб юритилади) ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузилади.

12. Молиявий ҳисоботлар шаклларининг манзил (уст) қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«Ташкилот» реквизитида ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Бўлим, кичик бўлим, боб» реквизитида ташкилотнинг бюджет таснифининг вазифа жиҳатидан вазифавий ва ташкилий жиҳатдан бўлиниши (белгиланиши) кўрсатилади;

«Ҳисобот даври» реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак, ой) кўрсатилади;

«Бюджет тури» реквизитида ташкилот томонидан Ўзбекистон Респуб-

ликаси бюджет таснифига мувофиқ маблағлар манбаи ва ташкилот тақдим этадиган ҳисобот бўйича бюджетлар даражаси кодлари кўрсатилади.

«Ўлчов бирлиги» реквизиtida ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

II бўлим. Молиявий ҳисоботларни тузиш

I боб. Молиявий ҳисоботларни тузиш

13. Молиявий ҳисоботларни тузишда қуйидаги шартлар тўлиқ сақланиши лозим:

ҳисобот давридаги барча операциялар ҳамда пул маблағлари, асосий воситалар, моддий қимматликларнинг инвентаризация қилиниши ва ҳисоб-китоблар натижаларининг тўлиқ акс эттирилиши;

аналитик ҳисоб маълумотларининг ҳисобот даврининг биринчи санасига синтетик ҳисоб юритиш ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқларга бир хил бўлиши, шунингдек молиявий ҳисоботлар маълумотларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги;

молиявий ҳисоботлардаги тегишли ёзувларни қайд этиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлардан фойдаланиш.

Ушбу асосий шартларга риоя қилинмаган ҳолда тузилган молиявий ҳисоботлар нотўғри тузилган деб ҳисобланади.

14. Ташкилотлар жамлама молиявий ҳисоботларни ўзлари кўриб чиққан тасарруфидаги қуйи ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда ўзининг харажатлар сметаси бўйича молиявий ҳисоботлари асосида тузади.

15. Молиявий ҳисоботлар, қоида тариқасида, ўсиб борувчи тартибда битта ўн хонали сонда минг сўм ҳисобида тузилади.

16. Агарда, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузмаган ҳолда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари манфий қолдиқ билан чиқса (манфий қолдиққа эга бўлса), у ҳолда ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар «минус» белги билан акс эттирилади.

II боб. Баланс моддаларини инвентаризация қилиш

17. Қонунчиликка мувофиқ асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва балансинг бошқа моддаларини инвентаризациядан ўтказишлари шарт.

18. Инвентаризациянинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

асосий воситалар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалари ва бошқа активларнинг ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотларига таққослаш йўли билан аниқлаш, шунингдек моддий бойликлар ва пул маблағларининг сақланишини назорат қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ белгиланган нормативдан юқори бўлган ва фойдаланилмаётган моддий бойликларни аниқлаш;

моддий бойликлар ҳамда пул маблағларини сақлаш қоидалари ва шартларига риоя қилиш;

балансда ҳисобга олинган моддий бойликлар, кассалардаги, банкларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларидаги (кейинги ўринларда Ҳазначилик бўлинмалари деб юритилади) шахсий ҳисобварақлардаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддалари қийматининг ҳақиқийлигини текшириш.

III боб. Молиявий ҳисоботларни тузиш

1-§. Баланс (1-шакл)

19. Баланс (1-шакл)ни тузишдан олдин барча мавжуд мемориал ордерлар билан расмийлаштирилган бухгалтерия проводкаларини дастлабки ҳужжатларга мувофиқ ҳолда тўғри тузилганлиги ҳамда «Бош-журнал китоби» (308-шакл)га тўғри ёзилганлиги, субсчётлар бўйича ойлик айланмалар ва ҳисобот даври охирига «Бош-журнал китоби» (308-шакл) бўйича қолдиқлар тўғри ҳисобланганлиги текшириб чиқилади.

20. Ҳисобот даври охирига «Бош-журнал китоби» (308-шакл)даги чиқарилган қолдиқлар баланснинг «Йил (чорак) охирига» устунига кўчириб ёзилади.

21. Дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобга олувчи субсчётларда дебиторлар ва кредиторлар суммалари ўзаро ҳисобга олмаган ҳолда, яъни, мавжуд дебиторлар баланснинг актив қисмида, кредиторлик қарз эса, пассив қисмида кўрсатилади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттиришда Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 502-модда) билан тасдиқланган 285-сон шаклдаги айланма қайднома ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларидан фойдаланилади.

22. «Йил бошига» устуни бўйича кўрсаткичлар ўтган ҳисобот йили баланснинг «Йил (чорак) охирига» устуни бўйича кўрсаткичларга айнан бир хил ҳолда кўчирилади. Агарда, ташкилот ҳисобот йилининг 1 январидан кейин ташкил топган бўлса, у ҳолда баланснинг ушбу «Йил бошига» устуни тўлдирилмайди.

23. Баланснинг актив қисмидаги «Йил (чорак) охирига» устуни бўйича:

«1-§. Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар» параграфининг «Асосий воситалар: Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати» қаторида ташкилотларнинг ҳисобот даври охирига мавжуд барча асосий воситалари, шу жумладан, ижарага берилганлари ҳам дастлабки (тикланиш) қиймати бўйича акс эттирилади.

Қайта баҳолаш натижалари бўйича аниқланган асосий воситаларнинг

тикланиш қиймати йиллик ва чораклик балансларда «Йил бошига» устунида каср чизиғи билан (махражида) акс эттирилади;

«Эскириш суммаси» қаторида асосий воситаларнинг баланс тузилган ҳисобот даври охирига ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади;

«Қолдиқ (баланс) қиймати» қаторида асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати билан эскириш қиймати ўртасидаги фарқ (010-қаторда акс эттирилган асосий воситанинг дастлабки (тикланиш) қийматидан 011-қаторда акс эттирилган эскириш суммасини айирмаси) акс эттирилади;

«Номоддий активлар» қаторида ташкилотнинг ҳисобот даври охирига мавжуд номоддий активларининг қиймати кўрсатилади;

«2-§. Ноишлаб чиқариш активлари» қаторида ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган капитал харажатлар, жумладан, ерни ободонлаштириш бўйича харажатлар (040-субсчёт) акс эттирилади;

«3-§. Товар-моддий захиралар» қаторида ҳисобот даври охирига мавжуд бўлган тайёр махсулот, қурилиш материаллари, озиқ-овқат махсулотлари, дори-дармон ва ярани боғлаш воситалари, инвентарь ва хўжалик жиҳозлари, ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари, машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқа товар-моддий захиралари қолдиқ суммалари кўрсатилади, балансдан ташқари 10 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» ва 12 «Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари» счётларида акс эттирилган товар-моддий захираларнинг қолдиқлари бундан мустасно;

«4-§. Номолиявий активларга қўйилмалар» қаторида ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, тугалланмаган қурилиш, асосий воситаларга бошқа харажатлар, номоддий активларга бошқа харажатлар, товар (иш, хизмат)ларга харажатлар ва товар-моддий захираларга бошқа харажатларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг «Бош-журнал китоби» (308-шакл) бўйича ҳисобот даврининг охирига қолдиқ суммаси акс эттирилади;

«Молиявий активлар» бўлимида мавжуд ҳисобварақлардаги пул маблағлари, аккредитивлар, кассадаги нақд пул қолдиқлари ва бошқа пул маблағларининг, шунингдек ғазначилик бўлинмаларидаги шахсий ҳисобварақлардаги пул маблағларининг қолдиқ суммалари акс эттирилади;

«Дебиторлар» бўлимида йил (чорак) охирига барча ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқ суммалар (дебиторлик қарзлар) акс эттирилади.

24. Баланснинг пассив қисмидаги «Йил (чорак) охирига» устунини бўйича:

«Кредиторлар» бўлимида йил (чорак) охирига барча ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқ суммалар (кредиторлик қарзлар) акс эттирилади;

«Молиявий натижалар» бўлимида ташкилотнинг жорий йилга молиявий натижалари (300 — 343 қаторлар), шунингдек якуний молиявий натижалари (350 — 356 қаторлар) ҳар бир даромад (тушум)ларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади.

Бунда, жорий йилга молиявий натижалар (300 — 343 қаторлар) бўйича кўрсаткичлар йиллик балансда акс эттирилмайди.

25. «Балансдан ташқари счётлар» бўлимида ҳисобот даври охирига акс эттирилган балансдан ташқари счётлар суммаси кўрсатилади.

26. Баланс (1-шакл) ташкилотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чоракдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

2-§. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл)

27. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузишдан олдин ташкилотлар:

тасдиқланган харажатлар сметаларига белгиланган тартибда киритилган ўзгартиришларнинг Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 502-модда) билан тасдиқланган 294-сон шаклдаги касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтарига (кейинги ўринларда 294-шакл дафтари деб юритилади) тўғри ёзилганлигини;

ҳисобот даври учун бюджетдан молиялаштирилган маблағларни тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ ҳолда (киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилганлигини (тегишли мемориал ордерлар, 294-шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳисобот чорагида амалга оширилган касса харажатларининг (Ҳазначилик бўлинмалари орқали амалга оширилган тўловларнинг) тўғрилигини (тегишли мемориал ордерлар, 294-шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳақиқий харажатларнинг ҳисоб регистрларига тўғри ёзилганлигини (тегишли мемориал ордерлар ва 294-шакл дафтари маълумотлари асосида) текшириб чиқишлари лозим.

28. «Тасдиқланган (аниқланган) режа» устунига харажатлар сметасига ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган режа иқтисодий харажатлар таснифининг тегишли харажат моддалари бўйича кўрсатилади.

29. «Ҳисобот даври учун молиялаштирилган» устунга бўйича ташкилотларга бюджетдан харажатлар сметаларига мувофиқ йил бошидан ўсиб борувчи тартибда молиялаштирилган маблағлар (294-шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича ёзилади (4-гуруҳнинг харажат моддаларидан ташқари).

Давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтилган ташкилотлар ушбу устун бўйича йил бошидан ўсиб борувчи тартибда ғазначилик бўлинмалари орқали амалга оширилган тўловларни кўрсатадилар.

30. «Касса харажати-жами» устунига ташкилотнинг бюджет маблағлари бўйича депозит ҳисоб рақамидан харажатлар сметаларида кўзда тутилган мақсадлар учун ўтказилган маблағлар йил бошидан ўсиб борувчи тартибда (294-шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар иқтисодий

таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича ёзилади.

Давлат бюджетининг газна ижросига ўтилган ташкилотлар ушбу устун бўйича йил бошидан ўсиб борувчи тартибда газначилик бўлинмалари орқали амалга оширилган тўловларни кўрсатадилар.

31. «Ҳақиқий харажатлар-жами» устунда ҳақиқий харажатлар (бюджет бўйича) йил бошидан ўсиб борувчи тартибда (294-шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар иқтисодий таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича ёзилади.

32. Бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл)да харажатлар иқтисодий таснифининг 43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш» харажат моддасининг тегишли кичик модда ва элементлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

Бунда, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сотиб олинган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси эса, тегишли равишда бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларда харажатлар иқтисодий таснифининг 43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш» харажат моддасининг тегишли кичик модда ва элементлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

33. Бюджет ташкилоти бўлмаган бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар томонидан бюджетдан олинган маблағларнинг ижроси бўйича тузилган харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл)да харажатлар иқтисодий таснифининг тегишли моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича амалга оширилган касса харажатларидан ошмаган ҳолда ҳақиқий харажатларни тўлиқ акс эттиради.

34. Ташкилотларга бошқа бюджетлар ҳисобидан маблағлар ажратилган ҳолларда мазкур маблағларнинг сарфланиши бўйича харажатлар сметаси ижроси ҳақида ойлик ҳисобот (1-ОХ шакл) ҳамда харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл) тегишли молия органига мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда тақдим қилинади.

Асосий харажатлар сметаси бўйича молиялаштирувчи тегишли молия органига мазкур ҳисоботларнинг нусхалари маълумот учун тақдим қилинади.

35. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл) харажатлар таснифининг ҳар бир бўлим, кичик бўлим ва боби бўйича алоҳида ҳолда тузилади.

36. Бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоб рақамларидаги (шахсий ҳисобварақларидаги) тежаб қолинган ва белгиланган тартибда Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилган бюджет маблағлари алоҳида «Тежаб қолинган ва Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган маблағлар» (I — IV харажат гуруҳларига қўшилмаган ҳолда) қаторида ҳисобот даврининг касса харажатлари сифатида акс эттирилади.

37. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл) ташки-

лотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3-§. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот

38. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот ташкилотнинг ҳисобот даври охирига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

39. «Дебитор қарздорлик» қисмида ташкилотнинг барча мавжуд дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

40. «1-гр. бўйича жами. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 1-гурух харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

41. «2-гр. бўйича жами. Иш ҳақига қўшимчалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 2-гурух харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

42. «3-гр. бўйича жами. Капитал қўйилмалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 3-гурух харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

43. «4-гр. бўйича жами. Бошқа харажатлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 4-гурух харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

44. «Харажатлар гуруҳлари бўйича жами» қаторида юқоридаги 4 та харажат гуруҳлари бўйича жами дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

45. «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида юқоридаги харажат гуруҳлари бўйича акс эттиришнинг имкони бўлмайдиган қуйидаги ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган дебиторлик қарзлар акс эттирилади:

болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчалари ва яслиларда) сақланганлиги;

болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги;

тарбияланувчиларнинг мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида сақланганлиги;

иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар билан ва бошқа шу каби ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган дебиторлик қарзлар.

46. Мазкур дебиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-шакл) ва баланс (1-шакл)да акс эттирилган 156 — «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

47. «Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловларни ҳисобланиши бўйича» қаторида ташкилотларнинг бюджетдан ташқари Пен-

сия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган ҳисобланган тўловлар бўйича дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

48. «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида пул маблағлари ва товар-моддий қимматликлар камомадлари бўйича, ҳамда айбдор шахслар ҳисобига ёзилган ва белгиланган тартибда ундириб олинган товар-моддий қимматликлар қиймати бўйича юзага келган дебиторлик қарзлари, шунингдек бошқа ҳисоб-китоблар ҳисоби акс эттирилади. Мазкур дебиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-шакл) ва баланс (1-шакл)да акс эттирилган 170 — «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

49. «Талабалар билан тўлов-контракт маблағлари юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида таълим муассасаларида талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича, жумладан, тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши натижасида юзага келган дебиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур дебиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-шакл) ва баланс (1-шакл)да акс эттирилган 175 — «Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётининг тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши натижасида талабалардан юзага келган дебиторлик қарзлар қисми бўйича ҳисобот даврига мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

50. «Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида юқори маблағ тақсимловчилар билан уларга қарашли бўлган муассасалар ўртасида харажатлар сметасининг ижроси жараёнида вужудга келадиган турли ҳисоб-китоблар, жумладан, марказлашган тартибда берилган моддий активларга доир операциялар бўйича юзага келган дебиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур дебиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-шакл) ва баланс (1-шакл)да акс эттирилган 180 — «Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

51. «Юқоридаги акс эттирилганлардан ташқари бошқа ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзлар» қаторида юқорида келтирилмаган бошқа дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

52. «Ҳаммаси» қаторида ташкилотнинг барча мавжуд дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

53. «Кредитор қарздорлик» қисмида ташкилотнинг барча мавжуд кредиторлик қарзлари акс эттирилади.

54. «1-гр. бўйича жами. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 1-гурух харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

55. «2-гр. бўйича жами. Иш ҳақиға қўшимчалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 2-гурух харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

56. «3-гр. бўйича жами. Капитал қўйилмалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 3-гурух харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

57. «4-гр. бўйича жами. Бошқа харажатлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 4-гурух харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

58. «Харажатлар гуруҳлари бўйича жами» қаторида барча 4 та харажат гуруҳлари бўйича жами кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

59. «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши лозим бўлган суммалар ҳисоби бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур кредиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-шакл) ва баланс (1-шакл)да акс эттирилган 155 — «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд кредит қолдигига мос бўлиши лозим.

60. «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида юқоридаги харажат гуруҳлари бўйича акс эттиришнинг имкони бўлмайдиган қуйидаги ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади:

болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчалари ва яслиларда) сақланганлиги;

болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги;

тарбияланувчиларнинг мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида сақланганлиги учун ота-оналар билан;

иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар ва бошқа шу каби ҳисоб-китоблар.

61. Мазкур кредиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-шакл) ва баланс (1-шакл)да акс эттирилган 156 — «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд кредит қолдигига мос бўлиши лозим.

62. «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича (1 ва 4-гурухда кўрсатилганларидан ташқари)» қаторида ташкилотлар томонидан маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан қонунчиликка мувофиқ бюджетга ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек мазкур шаклнинг 1 ва 4-гурухларида акс эттирилмаган бошқа бюджет билан ҳисоб-китоблар натижасида ҳисобот даврига юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

63. «Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар бўйича (1, 2 ва 4-гурухда кўрсатилганларидан ташқари)» қаторида реализация қилинган маҳсулотлар (иш, хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажмидан Пенсия жамғармасига қонунчиликка мувофиқ мажбурий ажратмалари, шунингдек 1, 2 ва 4-гурухларида акс эттирилмаган бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

64. «Талабалар билан тўлов-контракт маблағлари юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши ва тўланиши натижасида талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур креди-

торлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-шакл) ва баланс (1-шакл)да акс эттирилган 175 — «Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётининг тўлов-контракт маблағларини ҳисобланганига нисбатан ортиқча тўланиши натижасида талабалар билан ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган кредиторлик қарзлар қисми бўйича ҳисобот даврига мавжуд кредит қолдиғига мос бўлиши лозим.

65. «Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида юқори маблағ тақсимловчилар билан уларга қарашли бўлган муассасалар ўртасида харажатлар сметасининг ижроси жараёнида вужудга келадиган турли ҳисоб-китоблар, шунингдек марказлашган тартибда берилган моддий активларга доир операциялар бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур кредиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-шакл) ва баланс (1-шакл)да акс эттирилган 180 — «Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд кредит қолдиғига мос бўлиши лозим.

66. «Юқоридаги акс эттирилганлардан ташқари бошқа ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзлар» қаторида юқорида келтирилмаган бошқа кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

67. «Ҳаммаси» қаторида ташкилотнинг барча мавжуд кредиторлик қарзлари акс эттирилади.

68. «Жами қарздорлик» устуни бўйича ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳисобот даврига мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг жами суммаси кўрсатилади.

69. «Бюджет ҳисобидан» устунисида бюджет маблағлари бўйича юзага келган қарздорлик кўрсатилади. «Бюджетдан ташқари маблағлар» устунисида эса, бюджетдан ташқари маблағлари бўйича вужудга келган жами қарздорлик суммаси кўрсатилади.

70. Агарда, юзага келган дебиторлик қарзни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига аниқ ажратишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ушбу дебиторлик қарз бюджет маблағлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари суммасидан ошмаган ҳолда бюджет маблағлари ҳисобидан кўрсатилади. Дебиторлик қарзнинг қолган (бюджетдан ошган) қисми бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ёзилади.

71. Агарда, юзага келган кредиторлик қарзни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига аниқ ажратишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ушбу кредиторлик қарз бюджет бўйича қолдиқ лимит маблағи доирасида иқтисодий харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича бюджет ҳисобидан кўрсатилади. Кредиторлик қарзнинг қолган (бюджет лимитидан ошган) қисми бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ёзилади.

72. «Шундан муддати ўтган қарздорлик — жами» устунисида «Жами қарздорлик» устунисида кўрсатилган қарздорликдан муддати ўтказиб юборилган, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси, «Бюджет ҳисобидан» устунисида бюджет маблағлари ҳисобига вужудга келган қисми, «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан»

устунида эса, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига вужудга келган қисми кўрсатилади.

73. «Шундан Республика ташқарисида» устунида муддати ўтган қарздорликнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги қисми кўрсатилади.

74. «Изох» устунида қўшимча изоҳлар келтирилади.

75. Зарурат туғилган тақдирда ташкилотларга ҳамда ҳисобот олувчиларга (тегишли молия органларига) ушбу ҳисобот шаклида ҳисобот олувчилар томонидан қарздорлик бўйича талаб қилинган қўшимча маълумотлар олиш имконини берувчи қўшимча реквизитлар қўшиш ҳуқуқи берилади.

76. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот ташкилотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

4-§. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот

77. Мазкур ҳисобот ташкилотлар томонидан ҳисобот даври мобайнида фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадларни, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамлар ҳисобидан тушган тушумларни, шунингдек тежаб қолинган ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилган бюджет маблағлари ҳаракатини акс эттириш учун тузилади.

78. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот шаклини тузишдан олдин ташкилотлар:

ҳисобот чораги мобайнидаги фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишга, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришга, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамларга, шунингдек ҳисобот чорагининг охириги иш кунинида тежаб қолинган бюджет маблағларига доир дастлабки ҳужжатларни тўлиқлигини;

(шахсий) ҳисобварақлардан олинган кўчирмаларни ва тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларини тўғрилигини текшириб чиқади.

79. «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторига тегишли ҳисобварақлардан кўчирмаларга мувофиқ Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобот йилининг биринчи январь санасига мавжуд пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади. Бунда, ғазначилик бўлинмаларининг тегишли транзит ҳисобварақларидаги ташкилотга тегишли бўлган қолдиқ маблағлар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

80. «2. Ҳисобот даврида тушган даромадлар — жами» қаторида «а», «б»,

«в» ва «г» қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган барча даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

81. «а) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан» қаторида фаолият тури бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган жами тушумлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

82. «б) вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан» қаторида вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

83. «в) юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобидан» қаторида Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ҳомий ташкилотлардан ҳамда жисмоний шахслардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

84. «г) ҳисобот чорагининг охириги иш кунда тежаб қолинган бюджет маблағлари ҳисобидан» қаторида тежаб қолинган ва белгиланган тартибда бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган бюджет маблағлари кўрсатилади.

85. «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида «Касса харажатлари — жами»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

86. «4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

87. «Харажатлар ёйилмаси»да Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

88. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5-§. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот

89. Мазкур ҳисоботни тузишдан олдин тиббиёт муассасалари:

Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбаларига ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий ҳисоб рақамлардан олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини текшириб чиқадилар.

90. «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида тегишли ҳисобварақларнинг ҳисобот йилининг биринчи январь санасидаги кўчирмаларига асосан Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

Бунда, тиббиёт муассасаларига тегишли бўлган ғазначилик бўлинмаларидаги транзит ҳисобварақларидаги тегишли пул маблағлари қолдиғини ҳам ҳисобга олиш лозим.

91. «2. Ҳисобот даврида тушган даромадлар — жами» қаторида «а», «б», «в», «г» ва «д» қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган барча даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

92. «а) тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизи ҳисобидан» қаторида тиббиёт муассасаси учун бюджетдан ажратиладиган умумий маблағларнинг (харажатлар сметасида кўзда тутилган жами маблағларнинг) 5 фоизигача бўлган қисмининг муассасанинг мазкур жамғармасига ўтказилган суммалари кўрсатилади.

93. «б) ҳомийлар ва донор ташкилотлардан» қаторида ҳомий ва донор ташкилотлардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

94. «в) пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан» қаторида тиббиёт муассасаларининг пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлари кўрсатилади.

95. «г) ҳисобот чорагининг охириги иш кунида тежаб қолинган бюджет маблағлари» қаторида қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатилган жамғармага ўтказилган тежаб қолинган маблағлар суммаси кўрсатилади.

96. «д) вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан» қаторида тиббиёт муассасалари вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадларини кўрсатадилар.

97. «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида 4-устун «Касса харажатлари — жами»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

98. «4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

99. «Харажатлар ёйилмаси»да кўрсатилган Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

100. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

6-§. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот

101. Ушбу ҳисобот таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

102. Таълим муассасалари мазкур ҳисоботни тузишдан олдин қуйидагиларни тўғрилигини текшириб чиқадилар:

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлигини;

тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўлиқ ва тўғри ёзилганлигини.

103. «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида тегишли ҳисобварақлардан кўчирмаларга мувофиқ ҳисобот йилининг биринчи санасига мавжуд тўлов-контракт маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

104. «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида «а», «б» ва «в» қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган даромадларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

105. «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида «Касса харажатлари — жами» устунида акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

106. «4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

107. «Харажатлар ёйилмаси»да тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

108. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

7-§. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисобот

109. Мазкур ҳисобот қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан таш-

қари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари;

ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси;

мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар;

мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (муסיқа ва санъат мактаблари);

ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисобкитоблардан тушадиган тушумлар;

мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар;

ажратмалар ҳисобига шаклландиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;

умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар;

капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар;

турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар;

бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови;

бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари;

грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари;

кредитлар.

110. Ҳисоботни тузишдан олдин ташкилотлар қуйидагиларни текширадилар:

ҳисобот чораги мобайнидаги барча мазкур бюджетдан ташқари маблағларининг шаклланиш манбаларига ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

ҳисоб рақамлардан олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини.

111. «Йил бошига маблағ қолдиғи» устуни бўйича ташкилотлар ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобот йилининг биринчи санасига бўлган мавжуд қолдиқ маблағларни акс эттирадилар.

112. «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар) — жами» устунида ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда ҳисобот даврида ташкилотнинг ҳисобва-рақларига келиб тушган тушумлар акс эттирилади.

113. «Харажатлар ёйилмаси» бўлими бўйича мазкур бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳисобот даврида амалга оширилган касса ва харажатларни харажатлар иқтисодий таснифининг харажатлар моддаси, кичик моддаси ва элементлари бўйича ҳар бир бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирадилар.

114. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

8-§. Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот

115. Мазкур ҳисобот ташкилотнинг жорий йилнинг якунлари бўйича молиявий фаолиятининг натижаси, яъни, ҳар бир даромад (тушум)ларнинг турларини мазкур даромадлар (тушумлар) ҳисобидан амалга оширилган харажатлар билан солиштириш натижаси бўйича маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

116. Ҳисобот «Бош журнал китоби» (308-шакл) ва даромадлар (тушумлар) ва харажатлар ҳисоби юритиладиган бошқа ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тўлдирилади.

117. «1. Даромадлар (тушумлар)» бўлими бўйича:

«1.1. Бюджетдан молиялаштириш» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 232 — «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«1.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 242 — «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«1.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 252 — «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар «а) тўлов-контракт маблағлари», «б) депозитга қўйилган маблағлар бўйича даромадлар» ва «в) бошқа тушумлар» қаторлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади;

«1.4. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 262 — «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар «Товар (иш, хизмат)лар реализациясидан», «Фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкларини ижарага беришдан» ва «Ҳомийлик ёрдамларидан» қаторлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади;

«1.5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 262 — «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар «Пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан», «Ҳомий ва донор ташкилотлардан» ва «Фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкларини ижарага беришдан» қаторлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади;

«1.6. Бошқа даромадлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 272 — «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» ва 273 — «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчётларининг маълумотлари акс эттирилади;

«1.7. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» қаторида

жорий йилда таълим муассасаларидаги тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳамда Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари бўйича ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар акс эттирилади.

118. «Даромадлар (тушумлар) жами» қаторида барча даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси акс эттирилади.

119. «2. Харажатлар» бўлими бўйича:

«2.1. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 231 — «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«2.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 241 — «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«2.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 251 — «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«2.4. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-шакл)даги 261 — «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

